

**Тоҳир Нурулло**

# **Кўнғил билан суҳбат**

«Санъат журнали» нашриёти  
Тошкент - 2007

84(59)6


Ушбу тўпلامга муаллифнинг ҳаёт ва замон ҳақидаги турфа ўй, фикрлари, кўнгил тубидаги инжа кечинмалари акс этган шеърлари жамланди. Улар сизга ҳам манзур бўлади—деб умид қиламиз.

Ю 34345  
081

Муҳаррир: Умид Раҳим

Мусаҳҳиҳ: Дилшода Умарова

Техник муҳаррир: Мадина Абидова



Босишга рухсат этилди: 28.08.2007 й.  
Бичими: 84x108. Шартли босма табоғи: 3,0.  
Адади: 2000 нусха. 61-сон буюртма.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Нур полиграф» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, З. Қобулов кўчаси, 19-уй

## Дил изҳори

Бир уюм тупроққа айланиб қолсам,  
Ва қайта жон ато этса худойим,  
Минг бора ўлсаму, минг бор тирилсам,  
Қайта номинг такрорлар тилим.

Агар осмондаги танҳо ой бўлсанг,  
Юлдуз бўлиб келгум, сенга парвона,  
Сен тун кезиб бўлсанг ошиққа далда,  
Мен хун бўлиб, қилардим нола.

Агар сен барҳаёт қуёшим бўлсанг,  
Мен қаро ер бўлиб, кутаман сени.  
Нурларинг танимни этармиди зар,  
Қора тупроқ бўлиб, қучаман сени.

Агар булут бўлиб келсам дунёга,  
Ноаларим селдай, олар оламини,  
Юрагим ўртанур, мисоли яшин,  
Кўз ёшим ёмғирдек, ювар танамни.

Агар дарахт бўлиб келсам дунёга,  
Меваларим севги, муҳаббат бўлур,  
Соямда севишган қалблар оҳиста,  
Бири бирин васлига етушир, тўюр.

Агар баҳор бўлиб, келсам дунёга,  
Муҳаббат чечаги ёзарди япроқ,  
Чаманлар қўйнида сени бахтиёр,  
Кўрганда кўнглимда ёнарди чироқ.

Агар хазон бўлиб келсам дунёга,  
Йўлларингга бўлай олтин пояндоз,  
Оқ-оппоқ қор бўлиб келсам дунёга,  
Бошингга бахт каби бўлай сарандоз.

Агар жилға бўлиб келсам дунёга,  
Муҳаббатим тошқин дарё бўлажак,  
Разолат, ҳижрону қайғуни енгиб,  
Сенинг дийдорингга кўнгил тўяжак.

Агар қўшиқ бўлиб, келсам дунёга,  
Ошиқлар қалбига берардим ором,  
Агар китоб бўлиб келсам дунёга,  
Мадҳинг битиларди, унда дилором

Агар Мажнун бўлиб, келсам дунёга  
Лайлони кўрардим кўзингда жоним,  
Агар Фарход бўлиб, келсам дунёга,  
Шириндан ҳам ширин ўзинг-да жоним.  
Қора Ботир бўлиб келсам дунёга  
Сенга қилмас эдим, заррача ҳасад.  
Шукр Тоҳир бўлиб, келдим дунёга,  
Зухрамсан, қалбимда ёлғизсан, абад!

### ...га

Нолаларим етмаслигин сезарман ҳар дам,  
Алдаяпман фақат ўзни, ўртаб алам.  
Рухсоринг менга илҳом, сўзингдир мадад,  
Гул дудоғингдин ўзга йўқ менда мақсад.  
Изладим дунёларни, тополмай таскин,  
Зулфинг этибдур мени, ғарибу мискин,  
Азизим, бахтли бўл, лек унутмагин.

### Нотаниш қизга

Балки учрашганмиз, олис ўтмишда  
Ўзинг бегонасан лек, талпинди қалбим.  
Насиб этмас балки, бўлмоқлик бирга  
Ҳамон сени ўйлайман, сенда ўй, ақлим.  
Баҳру дил ёришгай, кўрганда юзинг,  
Ҳамсуҳбатим бўлсанг, тингласам сўзинг,  
Оллоҳга минг бора шукрона дерман,  
Шу ёруғ дунёда борсан, сен ўзинг.  
Дўсту ёрлар айтар, қоч, девона келди,  
Муҳаббат йўқ дея, афсона келди,  
Кўзим йўллариингга тикарман ҳамон,  
Бу не ажаб тақдир, бегона келди.  
Умр сувдай оқар, ортта қайтмоқ йўқ,  
Жонга қасд қилмоққа, силлиқ сиртмоқ йўқ,  
Ишқинг дардга даво деб, урсам оҳлар,  
Васлингдин дилгар ҳеч, осон қийноқ йўқ.

## Илҳом парисига

Тарифинга сўз тополмай ожиз бу тиллар,  
Ҳуснинг латофатидан, бедор бу тунлар,  
Тунда ой шуъласида мавж урган сочинг  
Ўзгага туннордин, ғамгин бу диллар.

Мунгли нигоҳларинг дардларга малҳам,  
Сени кўрганимда, унут қайғу, ғам  
Аммо ҳадик бордир, ўтмишим нопок,  
Лек кўнгил амрига ожиздир қалам.

Ҳасадмас, кўнглимда илиқ бир шингил,  
Дунёмас, туну кун талпинса кўнгил,  
Итлар ҳуркайверсин, қилмасман парво  
Сени бахтли кўрсам, шодондир бу дил.

Сен халоскорсан, саҳрода Мажнун,  
Сен покдомонсан, майдонда Аржун,  
Сен мафтункорсан, тилларда дoston  
Сен гўзаллик рамзи, имони бутун.

Булбул ноласига оҳангдир сўзинг,  
Ойнинг шуласига монандир юзинг,  
Ошиққа дард борми, висолдин бўлак,  
Бўса бермас, не чун, гулғунча лабинг.

Ой десам, адашдим, тафтинг қуёшдек,  
Қуёшим атасам, ёқма оташдек,  
Сенсиз қоронғудур, ўтмиш, келажак,  
Келинчак баҳор ҳам, сенингсиз қишдек.

## Сени деб

Ой нури йўлингни ёритсин мудом,  
Сенга бахт тилайман, азиз севгилим,  
Сен ҳақингда куйлай ғазал ва мақом,  
Гарчанд яримтадир покиза дилим.

Эшитиб қувнайман шўх овозингни,  
Тикилиб тўймайман ойдек юзингни,  
Дилда асрагайман ҳар бир сўзингни,  
Мен сени севаман, ишон севгилим.

## Дилбар

Кўзларим нигорон йўлингда ҳамон,  
Хаёлим талпинар мудом сен томон,  
Мақсадим не билмам сени суймақдин  
Кўнгил кошонамга келақол, дилбар,

Мени осмонингга олақол, дилбар.

Ҳасрат тўла дилим сенга очайин,

Гул юзингдин оташ бўса олайин,

Бахтли лаҳзаларни бирга кўройин,

Кўнгил кошонамга келақол, дилбар,

Мени осмонингга олақол, дилбар.

Гўзаллар кўп дерлар, илмағай кўзим,

Минг ошиғинг бўлса, энг зўри ўзим,

Билурман қоғозда қолгай дил сўзим.

Мени осмонингга олақол, дилбар,

Йўқса бу жонимни олақол, дилбар!

## Изтироб

Саҳрода ҳаёт бор, бўлмаса ҳам гул,

Кўрмадим жаҳонда, тикансиз бир гул,

Ошиқ қалби лахта, ишқингда жоним,

Зор йиғлаб, зор ўлиб, бўлмадим булбул.

Муҳаббат ҳам гадо, ҳамда шоҳ этар,

Кимни хор, кимнидир бағрин чок этар,

Бу дардлар мени ҳам тарки хоб этар,

Ишқингда зор ўлдим, сочлари сунбул.

Васлинг қийноғидир жонимга оро,

Ҳижрон азобидир, кўнглимга раво,

Ишқинг айлар мени эл ичра расво,

Ишқингни пок тутмоқ аҳдида бу дил.

Қўрқма, бахтингга бўлмайман зомин,

Ҳар гапга фаришта дегаймиш омиён,

Омадлар ёр бўлсин ишингда доим,

Яшамоқ сенингсиз, ўламоқдир буткул.

## Сенга

Мушки анбар сочларингни силасам,  
Тизангга бош қўйиб зор-зор йиғласам,  
Дардларимни оҳисталаб сўзласам,  
Дилда борим, меҳрибоним, кетмагил.  
Сенсиз менга берк эмиш роҳи нажот,  
Кеча кундуз, бор фигоним муножот,  
Оҳларимдин янграмиш тонгла баёт,  
Дилим муштоқ, таңда жоним, кетмагил.

Неча кундир тарки ором айладим,  
Жисмим бору, лек ани хор айладим,  
Васлинг умиди бирла, бор айладим,  
Зор этмагил, ихтиёрим кетмагил.  
Қўрқаман, йўқ экан муҳаббат, бозор,  
Мундоқ дард йўқдир, гар қилмаса хор,  
Истамам, қалбингга бермоқлик озор,  
Беғуборим, покдомоним кетмагил.

Кўз ўнгимдан кетмас, мунгли нигоҳинг,  
Мафтун этан мени, нозли фироҳинг,  
Айт мендан зиёдни, суйган ул тоғинг,  
Вафодорим, гулбаҳорим, кетмагил.

## Соғинч

Узун тунлар сени ўйлаб, рухсорингни соғиндим ман.  
Ёлғизликда бағрим тузлаб, рафторингни соғиндим ман.  
Дилим доғ, кўзим гирён, фигонимдин кўзга тор дунё,  
Қулоғимда жаранглаган, гуфторингни соғиндим ман.  
Интиқ бўлиб бир кулгунга, ошиқман қора зулфингга,  
Оромимни олиб кўйган, соч-дорингни соғиндим ман.  
Булбул нола қилар гирён, ўз гунчасин излаб ҳар тонг,  
Кўйингда булбул бўлиб, ул гулзорингни соғиндим ман.  
Беғуборсан, қора кўзим, дардима дармон сен ўзинг,  
Ишқ кўйида икки кўзи беморингни соғиндим ман.  
Ҳавасим бор, ҳасад йироқ, тилагим бахтингдир, бироқ  
Кел энди мен сенга муштоқ, дийдорингни соғиндим ман.

## Дилдан суҳбат

Дедим: Сен боғдаги гулсан,  
Деди: Боғнинг боғбони бор.  
Дедим: Мен гулга ошиқман,  
Деди: Гулнинг тикони бор.  
Дедим: Сочинг мушки анбар,  
Деди: Ошиққа дор бўлар.  
Дедим: Лабинг мафтункор,  
Деди: Сени хор этар.  
Дедим: Юзинг ой мисол,  
Деди: Ойда доғ бўлар.  
Дедим: Сенга ёр бўлай?  
Деди: Сочинг қор бўлар.  
Дедим: Севгим рад этма?  
Деди: Ишқ армон бўлар.  
Дедим: Озурда бу қалб,  
Деди: Кунгил қон бўлар.  
Дедим: Раҳминг келмасму?  
Деди: Бағрим тош бўлар.  
Дедим: Халоскорим сен?  
Деди: Оллоҳ ёр бўлар.

## Армоним

Севдим, ҳар навбаҳор келгунча қайтиб,  
Кўнглимда муҳаббат доғи қат-қатдир,  
Юрагим ўртаниб, чалдим созини,  
Бир бор тингламадим, кўнгли розини  
Суймоқ бахт бўлса, севилмоқ омад,  
Мен учун бир умр кулмади омад,  
Ёлғиз илинжим бор бу инжа ҳолдан  
Айрилсам, жаннатда тўйай висолдин.  
Розиман, ўтмоқда умр мисли шом,  
Севиламадим, лек ёқдим ишқ чироғини.  
Ўзгалар кўнглини этолмадим ром,  
Қалбимга жойладим, ишқ сабоғини.  
Ёлғондан алдайман ўзимни ўзим,  
Қоғоз ва қаламдир менга суянчиқ,



Ҳам суйиб, қалбига етса озорим,  
Болаларим онаси бўлди юпанчиқ.  
Даҳшат борми ортиқ, тирик ўлиқдин,  
Сенда жон бору, қалбинг бўлса бўш.  
Ҳижрон борми бўлак, ёр висолидин,  
Ёрга етдим деган жойинг бўлса туш.  
Дардингни сўзлама, девона дерлар,  
Сабаб истама, ишқ учун бегона улар.  
Ғамдин озод бўлишнинг ягона йўли,  
Кеч жондин, сўлмайди дунёнинг гули.

## Муҳаббат

Ҳаёт менга берганинг азобму роҳат,  
Уни кўрмоқ бахт бўлса, ҳижрон қиёмат.  
Севганим паризод мен бир девона,  
Мен гирён, у ҳайрон, сарсон муҳаббат.  
Кўзлар оҳу, нигоҳ жоду, ой юзлари,  
Қалбимдан жой олган ширин сўзлари,  
Мафтун этган мени дилбар ўзлари,  
Мен гирён, у ҳайрон, сарсон муҳаббат.  
Сўрдилар ҳолинг не, ошиқ беқарор,  
Ёр хандон ҳолимга, чирой бетакрор,  
Нигоҳлар илҳому сўзлар мадакдор,  
Мен гирён, у ҳайрон, сарсон муҳаббат.  
Йиғладим, дедилар кўнгилчан инсон,  
Оҳ урдим, дедилар ўтади карвон,  
Тутоқдим, дедилар девона ҳар он,  
Мен кетдим, у қолди, сўлди муҳаббат.  
Кел дедим, дедилар кутмагил чироқ,  
Ёр дедим, дедилар чекарсан фироқ,  
Жон дедим, дедилар у сендин йироқ,  
Мен кутдим, у кетди, қолди муҳаббат.  
Гул дедим, дедилар бўлмас тикансиз,  
Юр дедим, дедилар ошиқ экансиз,  
Кел, дедим, дедилар видео дегансиз,  
Мен ўлдим, мен кўйдим армон муҳаббат.

## Ўқилмаган мактуб

Севганимни сен билмадинг, эл билсин,  
Муҳаббатим чин эканин, гул билсин,  
Ҳижронингда хор бўлиб, ёнса юрак,  
Не бўлганин тупроқ билсин, кул билсин.

Уйга қайтсам, хаёлимда ҳушимда сен,  
Уйқуда жон асрасам, тушимда сен,  
Неки қилсам ёнимда, ишимда сен,  
Кўнгил экан суйиб қолдим, не қилай.

Ишқ деса гар, жон киради вужудга,  
Қувончидан бошим тегар булутга,  
Парвонадай қалб ўзин урар ўтга,  
Кўнгил экан суйиб қолдим, не қилай.

Дунё бир кам деса, мен инонмадим,  
Минг бор суйиб, умр бўйи тонмадим,  
Лекин сира васлингга етолмадим,  
Кўнгил экан суйиб қолдим, не қилай.

Умидворман, токи бордир танда куч,  
Куйлагайман, кўнгил торим узмай ҳеч,  
Қирқ ёшда ҳам айни вақти, эмас кеч,  
Кўнгил экан суйиб қолдим, не қилай.

## Муҳаббат кўчасининг бегонасига

Кўйингда мен телбалардек юрганимни билмадинг,  
Тилда эмас вужудимла севганимни билмадинг.  
Айрилиққа беролмай дош қолганимни билмадинг,  
Номус ордан кўтармай бош, қолганимни билмадинг.  
Висолингни ўйлаб тунлар, бедорлигим билмадинг,  
Қалбим доғлаб, узун кунлар озорлигин билмадинг.  
Сени дея юраккинам армонлигин билмадинг,  
Кўзда ёшим дарё мисол равонлигин билмадинг.  
Юрагимда сенинг ўрнинг, абадлигин билмадинг,  
Сенсиз йўқман, таним қуруқ жасадлигин билмадинг.

## Орзу

Огушимла силайин сочинг,  
Лабларингга лабимни қўйиб,  
Ёнган юрак топарму таскин,  
Ёноғингдан қўйсам гар ўпиб.

Умид, орзу туну кун ўзинг,  
Кўз ўнгимда чеҳранг намоён,  
Севгимга гар бўлса гумонинг,  
Сахро кезгум, кезгум биёбон.

Қўлларингни бўйнимга тақиб,  
Маржон қилай, умрбод якто,  
Нигоҳингда жонимни асраб,  
Кўз ёшимни айлайин дарё.

Тилагим сен, дунё керакмас,  
Умидим сен ушалмас орзу,  
Армоним сен, маъно керакмас,  
Сенсиз жоним танимда тошдир.

## Истак

Қор ёмғир турганда баҳор истабман.  
Хазонлар ёнимда гулзор истабман.  
Зимистон айлабон ўзга дилларни,  
Кўнгила шодлиги деб илҳом истабман,

Қоронгу тунларда қуёш истабман,  
Кундуз ойдинликда, юлдуз истабман,  
Дунё муҳаббатдин яралган дебон,  
Ўзим шамдек учсамда ойни истабман.

Севгингни сўрмайин, севмоқ истабман,  
Бўсангни кўрмайин болни истабман,  
Гул юзингдин ўзгани кўрмас кўзларим,  
Кўр бўлмай, дардимга шифо истабман.

Оқар сувдай мен нечун қадр истабман.  
Номусдан воз кечиб, беор истабман,  
Кечиргил қалбингга етса озорим,  
Худоданмас, сени сендан истабман.

## Муҳаббатга ишонманглар

Суйганимни тан олмадинг излаганим,  
Кўнглим топди сенда маскан муҳаббатим.  
Бошим қўйиб тизангга мен паноҳ топдим,  
Розимисан уйғонмасам, муҳаббатим.

Сенинг юзинг тунда ойдан кам эмас,  
Гул ҳидлаган тўйдим демас, бас демас,  
Ошuftа қалб энди ўзгани демас,  
Розимисан боғланса дил, муҳаббатим.

Кўнгили боғим ичра бу дам хунук чоғлар,  
Булбул кетиб, қўнмоқдадир қарға, зоғлар,  
Азобларинг фақат мени дилим доғлар,  
Розимисан сенсиз ўлсам, муҳаббатим.

Ўгай бўлдим булбул мисол зоғ ичида,  
Ўгай сувман қолиб кетган тоғ ичида,  
Ишқингда минг девонаман соғ ичида,  
Розимисан узилса жон, муҳаббатим.

## Висол оқшомингда

Майли, ёдингдан чиқсин сўзларим,  
Майли унутгин севгимни буткул,  
Майли уммон бўлсин кўз ёшларим,  
Лек муҳаббатни унутмоқ мушкул.

Эрта баҳор келиб кўк кийса боғлар,  
Эшигинг ортидан таралса ёр-ёр,  
Кўз ўнгингда бўлсам намоён,  
Дунёда бўлардим ёлғиз бахтиёр.

Эгнингда оқ либос қамашган кўзлар,  
Тилагим умрбод кўрмасин намни,  
Ёнингда сарвқомат, қўлида гуллар,  
Айрилиқ ҳижрон тирнар ярамни.

Давра тўрида сен танҳо малика,  
Ҳамма хушчақчақ, бахтлисан гўзал,  
Фақат бир юрак, йиғлар овора,  
Муҳаббатинг куйлаб битади ғазал.

Ёр-ёр уланармиш шўх яллаларга,  
Мунгли ғазалларга етмайди бардош.

Сўз гали келармиш барно қизларга,  
Ушбу ғазал айтилар, бу сенга сирдош,  
Шунда бир бора бошинг кўтариб,  
Узоқ ўтмишга бир зумга қайтгин,  
Кимдир сени кўзингга қараб,  
Айтган эди секин қалб арзин.

Дунё ўзи шундай бир кам келган,  
Сен шодон бўлгин мен эса хурсанд  
Ҳаётда не бўлса, тақдирда биттан  
Мен сени севаман, севмасан гарчанд.

## Сенга бўлмай кимга

Сочларинг имлайди юр деб ортимдан,  
Асирман дор ўлсин шу майин сочлар.  
Елкалар титрайди, кет, деб ёнимдан,  
Кошкийди бир лаҳза қўйсайдим бошлар.  
Олмос нигоҳлару, бу оҳу кўзлар,  
Чорлайдилар мени лол этиб буткул,  
Хандона суҳбату, шаддоҳ кулишлар,  
Азизим сизни унутмоқ мушкул.

Қоматдин хижолат атиргул боғда,  
Уялармиш кўрганда юзингни ой ҳам,  
Ортингдан гирёна ошиқлар доғда,  
Армонсиз ўтардим сен ила қолсам.

Лабларинг мисоли қайноқ бир булоқ,  
Жонимга ородир бир тортсам шароб,  
Кимсасиз оролда, манзилим тузоқ,  
Этмасин дейман, ишқ мени хароб.

Нозик бармоқларинг бўйнимга занжир,  
Қўлларим бойлайин белингга маҳкам,  
Гуноҳқор эмасдир, суйганлар ахир,  
Ўзинг муҳаббатта бошла маликам.

Иккимиз шўнғийлик ишқ уммонига,  
Тубсиз бўлса ҳамки, биргамиз фақат.  
Руҳимиз қуш бўлиб, учсин самога,  
Чексиз бўлса ҳамки, биргамиз абад.

## Муҳаббатга зор кўнгил

Бугун тонгда чиқмади кўнглим қуёши,  
Ўзгалар босолмас, ўрнингни бекам.  
Муҳаббатга зор, кўнгилдир доғли,  
Ўзгани демасман, ўлсам маликам.

Ёнимда бор эдинг, кўнглим эди тўқ,  
Энди юришимда йўқдир ҳаловат,  
Оҳимни билмассан, киприклари ўқ,  
Айрилиқ эмасдир, жонимга роҳат.

Йилларга тенг бўлди, сенсиз соат ҳам,  
Қалбимга сиемайди, дунё қувончи,  
Инсонга зарурий ҳаммаси тайёр,  
На қилай ёлғиз сен, кўнгил севинчи.

Бугун бошли дунё, бугун мотамда,  
Ошиқлар ҳолидан ким олар хабар,  
Бечоранинг дарди бари ичида,  
Сендан дарак йўқ, келмади чопар.

## Тунгги учрашув

Яна ширин тушларимда сен,  
Оғуларга лик, юрагимда сен,  
Қалбимдаги ўтли муҳаббат,  
Боиси ҳам, маъноси ҳам сен.

Сенсиз боғим бўлади хароб,  
Хаёлларим бўлар, пуч сароб,  
Лабларингдан истадим шароб,  
Умрим гули баҳори ҳам сен.

Соғинаман пинҳона ўзим,  
Ишқингда минг афсона ўзим,  
Телбалиқда бир дона ўзим,  
Дардларимни давоси ҳам сен.

Келгин энди ёнимга бир зум,  
Сенга қучоқ очғучи ўзим,  
Олисларга чорлайди кўзим,  
Қолган умр орзуси ҳам сен.

## Ўкинчим бор

Бугун келармикан қалбим чечаги,  
Изтироб қуршовида, қолди юрагим.  
Юрагим, вужудим, ҳислар қайғуси,  
Гулим наҳот бўлмаса, сизга керагим.

Умидворман, сизни кутаман ҳар тонг,  
Юрагим тубидан таралуру бу бонг,  
Беғубор ишқимни босмасмикан чанг,  
Жоним, наҳот ёлгон сўзлар юрагим.

Айрилиққа қолмади, қалбимда тоқат,  
Тор бўлди бу дунё, йўқдир қаноат,  
Бағрим қон, билмадим бу не синоат,  
Дилда ғам, бўлмаса сенга керагим.

Кўнглим чўкиб бўлди, хоним, кел,  
Юрак ғамга тўлди, жоним, кел,  
Дийдорга зор қилма, моҳим, кел,  
Гарчандки бўлмаса, сенга керагим.

## Тақдир

Ғийбатларга куним қолдириб,  
Тақдир мендан розими ўзинг.  
Маломатлар бошдан ёғдириб,  
Тақдир, мендан розими ўзинг.

Ғуноҳим не, етмади ақлим,  
Ғубори йўқ, пок эди қалбим,  
Руҳни поклаш эди-ку аҳдим,  
Тақдир, мендан розими ўзинг.

Қачон тугар хурофот бидъат,  
Қачон тинар санги маломат,  
Муҳаббатим қилмагин миннат,  
Тақдир, мендан розими ўзинг.

Ўксимаيمان қиларкан алам,  
Севганимга етмайди нолам,  
Дардларимга малҳамдир қалам,  
Тақдир, мендан розими ўзинг.

## Хазон

Хазон фасли гул япроқни олиб кетди,  
Армонларим дилдан тўлиб, тошиб кетди,  
Қайлардасан қўлим етмас қизгалдоғим,  
Ёлғизликда сўзим елга қолиб кетди.

Юрак маюс, бошим эгик хастадирман,  
Манзил узоқ йўлим олис бастадирман,  
Кўйингда минг оҳлар урган яктадирман,  
Дил изҳорим қоғозларда қолиб кетди.

Дерлар армон бўлган севги улуғвордир,  
Муҳаббатли юрак доим беғубордир,  
Энди сени унутмоқлик ҳам душвордир,  
Ишқинг тиғи юракларда қолиб кетди.

Мен телбаман қаён борай ўзни билмай,  
Ўтолмасман бу дунёдан васлинг кўрмай,  
Жаннатидан умидворман йигит ўлмай,  
Дуоларим ижобатсиз қолиб кетди.

Лайли дея Мажнун кезди саҳроларда,  
Ширин дея Фарҳод қолди ғавғоларга,  
Зухро учун Тоҳир оқди дарёларда,  
Муҳаббати дostonларда қолиб кетди.

## Бўлак тақдирлар

Гулнинг атри бўлак, сенинг қадринг бўлак,  
Менинг дардим бўлак, сени бахтинг бўлак,  
Сенсиз дунё бўлак, сенсиз ҳаёт бўлак,  
Менинг умрим бўлак, сени тахтинг бўлак.

Еллар олиб кетди менинг орзуларим,  
Билмам қувонч кўпми, ёки қайғуларим,  
Бир нуқтага йиғолмасман ўй-хушларим,  
Менинг орзум бўлак, сенинг аҳдинг бўлак.

Келмаса ёр эрта туриб, саҳар йиғла,  
Гуноҳинг кўп бўлмасин жой саҳар йиғла,  
Ҳижрон дарди адо бўлмас, юрак тигла,  
Менинг даврим бўлак, сенинг шахдинг бўлак.



Бўлолмадик биримизга жон биримиз,  
Гули хандон бири, бағри қон биримиз,  
Дили вайрон бўлса, шодон биримиз,  
Менинг дилим бўлак, сенинг кўнглинг бўлак.  
Ўткинчи бу дунё каби омад ўтар,  
Хазон келса неча сарви қомат ўтар,  
Ҳаммамизни бир бевафо дунё кутар,  
Менинг лойим бўлак, сени жойинг бўлак.

## Айрилиқ ҳассаси

Муҳаббатму ўртамизда бўлмоқда тузоқ,  
Нечун покиза муҳаббат бўлмоқда сароб.  
Орзуларим қалбимда, ушалмас жумбоқ,  
Нечун менга аталган, ишқ, жафо, азоб.  
Савол-гумонларим тирнайди қалбим,  
Наҳот гуноҳимдир, чиндан севганим,  
Айт бўлмасам сенга буткул керагим,  
Умримнинг бори ҳам пойингга жавоб.  
Қайғули дунёлар менсиз одобми,  
Маст этди май эмас, ишқинг шароби,  
Гулзорлар сенга ёр, менга азобдир,  
Жонингга ородир, мен тортган азоб.  
Бахтли бўл дейману, бахт нима ўзи,  
Муҳаббат деганинг кўр бўлар кўзи,  
Кўнглимни топмади дунёнинг қизи,  
Сен эмас азизам, ишқ этди хароб.  
Ўксима, бандалар бетоқат бўлар,  
Минг ёмон кетганда, бир яхши келар,  
Ёмоннинг сўнггиси, сенга бахт тилар,  
Иқболнинг куйлайди, созлайди рубоб.  
Табассум лабингни этсинлар маскан,  
Фарзандлар тилайман, оқила, ўктам,  
Кечиргил билмайин босгандим тикан,  
Афсуслар гирдоби, қилмоқда хуноб.

## Дийдор

Бугун хабар кутайми ва ёки дийдор,  
Ёнимга келарми, севилган дилдор,  
Майли мен унутман, майли бўлай хор,  
Кечиринг, қалбга мен, гар берсам озор.  
    Кўзингизга энди кўринмоқ мушкул,  
    Қалб озурда, юрак ғамгиндир буткул,  
    Шу ёруғ дунёда сиз борсиз шукур,  
    Кечиринг, қалбга мен, гар берсам озор.

Ҳолимни ҳеч кимга кўрмасман раво,  
Хастаман ҳеч табиб, тополмас даво,  
Дунё ўзи менга қилмади вафо,  
Кечиринг, қалбга мен, гар берсам озор.  
    Сабрим тутаб борар мисли шамчиноқ,  
    Қай тақдир экан бу сиз мендан йироқ,  
    Танамнинг устига тортилса тупроқ,  
    Кечиринг, қалбга мен, гар берсам озор.

Муҳаббат бир куни сизни этсин ром,  
Бахтингиз менга ҳам бағишлар ором,  
Тахтингиз оқ бўлсин, дедим дилором,  
Кечиринг, қалбга мен, гар берсам озор.

## Қалб

Шафақ мисол хун бўлган қалбим,  
Тун каби қоронғи, ойсиздир юрак.  
Очилмай хазон ишқим, чечагим,  
Бевафо дунёда бу жоним ҳалак.  
    Сочлар ўғирлади, буткул оромим,  
    Лабларинг абадий асл, сўнгги армоним,  
    Азизим сенсиз, азобда жоним,  
    Фиғонга сиғмагай, осмону фалак.

Нигоҳлар қалбимга берарди ором,  
Сўзларинг, азизим менга - ку илҳом,  
Бўлмасми туғилсам ўзга бир замон,  
Армондир қалбдаги энг буюк тилак.

## Ҳижрон

Чидайман ҳижронга бугун мардона,  
Шамъи жамолинга бўлиб парвона,  
Кўзларим йўлингда гирён нигорим,  
Юрагим қўлингда, бирён ҳарёна.

Дийдорлашмоқ бўлди энди қиёмат,  
Сўзлашмоқ ҳам мушкул надомат,  
Аммо қалбимдадир, пок мухаббат,  
Минг куйга тушсамда, ўзим девона.

Бир оғиз сўз эди, тилагим сендан,  
Зор этма висолга, керагим сенсан,  
На қилай юрагим, малагим сенсан,  
Севганим, бўлмагил менга бегона.

Не бўлса розиман, бахтли бўлсанг бас,  
Садоқат, вафоли тахтли бўлсанг бас,  
Гулзорлар сенга ёр, тиканлар менга,  
Севгинга мустаҳкам аҳди бўлсанг бас!

## Жаллод парига

Севмадинг майлига тузлама бағрим,  
Ўзинг олисдасан, кўнглимда номинг  
Биласан қолмади, танда мадорим  
Сен ўзгага ёрсану, қалбимда доим.

Бевафо деб айтолмадим, кўрмадим вафо,  
Тақдирданму, сенданму кўп бўлди жафо,  
Қайданам учратдим, сени эй худо,  
Жоним чиқса танимдан, бўғзимда номинг.

Бир бор вигоҳинг, мен учун қаҳат,  
Қалбим озурдадир, менга ёт роҳат,  
Наҳотки бўлса бу, дунё разолат,  
Кўзларим кўр бўлса, ўнгимда ўзинг.

Ачинма ҳолимга, жойим лой бўлар,  
Мен суйган ягона, тўлин ой бўлар,  
Истагим сен севма, ҳолинг вой бўлар,  
Мен дунёдан ўтсамда, ёдимда номинг.

## Унутмоқ осон эмас

Унутмоқ истадим, етмади бардош,  
Билмам қаёнда, мен кутган сирдош,  
Ёнимга келмади, ваъдалар айлаб,  
Биздан ортиқ экан, ўшал қалам қош.

Айрилиқ тузлайди, қайта бағримни,  
Тақдир яна ўйнайди, тирнаб ярамни,  
Кимга айтиб, кимга йиғлай дардимни,  
Ўзи гўзал бўлсада, бағри экан тош.

Кулинглар, камайсин қилган гунохим,  
Нажоткорим сенсан, ёлғиз Оллоҳим,  
Айтинг мени унутсин, дилдаги борим,  
Тошдан ҳам қаттиқ, ёрилмас бу бош.  
Маломат менгадир, ҳамиша ҳамдам,  
Умр ўтиб борар, тўхтамас бир дам,  
Соғинчдан юраклар, азадин бир кам,  
Бахт топсин, кўрмасин оҳу кўзлар ёш.

## Сўнги қўнғироқ

Қўлимга олибон қоғоз ва қалам,  
Сенинг мадҳингни куйладим такрор,  
Бағримни чўлғайди қайғу, ғам, алам,  
Сўнги қўнғироғинг кутиб интизор.

Қалбим ташнадур, ҳамон васлингга,  
Лабларим ташнадур, асал болингга,  
Тикилиб тўймадим ойдек юзингга,  
Сўнги қўнғироғинг кутиб интизор.

Чидайман барига бугун мардона,  
Шами жамолингга бўлиб парвона,  
Аччиқ ёшларимни тўкиб гирёна,  
Сўнги қўнғироғинг кутиб интизор.

## Адашган кўнгил

Кўнгил кўчасига қўймасам қадам,  
Балки учратмасдим, сени асалим.  
Мендан ўзгани танладинг зотан,  
Адо бўлмас бўлди мени ғазалим.

Вафо кўчалари, чироқсиз қолди,  
Кўнгил кўчаси, чароғсиз қолди,  
Юрақда аламли, бир андуҳ солди,  
Қоғозларда, қолди кўнгил шеърларим.

Тақдир деганлари бешафқат бўлса,  
Ҳақиқат дегани, аччиқ бир бўса,  
Инсон деганлари бағри тош эса,  
Ҳис этдим, кимсага йўқдир керагим.

Жумбоқлар ечимин топишга ожиз,  
Куйлайди ишқини тинмайин ҳофиз,  
Азизим сенсиз жон жойидир бўғиз,  
Охир тамом қилди, мени юрагим.

Қисмат азалий, бўлмагай қочиб,  
Қаро ер бағрида, ёттайман қучиб,  
Йўлинг тушса гар, мозорим кезиб,  
Бир йўла дуо қил, сўнгги тилагим.

## Қор устига қор келди

Кўксим баланд тоғ мисол, қор устига келди қор,  
Музлаб бўлди юрагим, кўрмас бўлди ҳеч баҳор.  
Қуёш бўлиб келди-ю, қалбим этиб нурафшон,  
Ҳижронга отти қалбим, келмас бўлди ул нигор.  
Мотамсаро қилди фалак, йўлида бу жоним ҳалак,  
Парвосиз суйган малак, бедавога ман дучор.  
Учрашмоқ энди мушкул, қумсайди қурғур кўнгил,  
Армонда қалбим хижил, бошни эгдим ман беор.  
Кўрганларим разолат, эшитиб нуқул ғийбат,  
Кутганимдир адолат, қидирмадим бир бозор.  
Кўзда ёшли Сарнигун, ҳолинг недир ушбу кун,  
Қалбим бўлди жигар хун, бўлса ҳамки юз озор.

## Нима учун?

Гуллардан мен воз кечдим, тиконлари бор учун,  
Орзулардан фориг ўлдим, армонлари бор учун.  
Мени ўйлаб йиғлама ёр, кўз ёшига тоқат йўқ,  
Сендан нега кечолмадим, ўзга ёринг бор учун.  
Дилим ўртар муҳаббатинг, парвосизсан маликам,  
Билар эдим дунё ўзи яралгандан бири кам,  
Топгансада гурурларим, туйғуларим бошим хам,  
Сендан нега кечолмадим, дилда зоринг бор учун.  
Ошиқларинг қаторидан олмадим жой, дил ярим,  
Хуснинг мени айлаган ром, тилим лолу жим ярим,  
Қай гуноҳ чун айттил жоним кўнглим букун хун ярим,  
Сендан нега кечолмадим, қора қошинг бор учун.  
Алвидо ёр, учрашгунча жаннатий ишқ боғида,  
Юрак куйиб бўлди, буткул бардош битар чоғида,  
Сени бахтли кўрсам, агар армонсизман оҳум-а,  
Сендан нега кечолмадим, менга кўнглинг йўқ учун.

## Кетма

Саратон тунини қаршилаб ёлғиз,  
Сени кўмсайман, руҳим дарбадар,  
Осмондаги юлдузлар жуда ҳам тифиз,  
Ҳолимга ачиниб, бирма бир сўнар.  
Тонгда қуёш чиқар бўызариб сокин,  
Дил сўзларим тингларму айтсам,  
Ёруғ кун ҳам бўлар қоронғу маҳзун,  
Дардларимни мухтасар этсам.  
Гуноҳкор эмассан, девона ўзим,  
Азалдин телбалик менгадир ҳамроҳ,  
Сен қайгурма садоғанг ўзим,  
Бахтли бўлгин ёр бўлсин Оллоҳ.  
Дейдилар ўтади карвон, тўхтамас,  
Мен учун бахтингдан ўтирмагин юз.  
Тақдир чархлари бир зум тўхтамас,  
Муҳаббат қалбимдан ўчмагай ҳануз.

## Ўткинчи дунё

Бозордек ўткинчи ёлгон дунёнинг,  
Жумбоқ ишларига етмади ақлим.  
Кўнгли йўқ менга дилоромимнинг  
Қанча талпинмасам, етмади дастим.

Осмонда фаришта, ерда сенмусан,  
Баҳорий бинафша, қалбимда малҳам,  
Вужудим сени дер, эркам не дейсан,  
Наҳот ярим бўлиб, қолади кўнглим.

Хазонга учрайди нега муҳаббат,

Тантана қилади, доим разолат,

Ишқдан қолмади, дилимда тоқат,

Менга ҳамдамдир, ягона ўлим.

Мотамда қолмағай дунёю дунлар,  
Гўримдан ўнғайму, анвойи гуллар,  
Тарихда қолгайму, бу шеъринг йўллар,  
Гоҳ гоҳ эслаб тур, мени гўзалим.

## Сўнган умидлар

Ёлғиз қўшиқлар, менгадир ҳамдам,

Ягонам сенингсиз, кўзларимда нам,

Жавобсиз муҳаббат, ўлимдан ёмон,

Адо бўлмас юракда, чексиздир гинам.

Умидим сўндирма, ўзгинам ўлдир,  
Севгимни рад этма, ишқингда куйдир,  
Сенсиз дунёлар, бекор бир пулдир,  
Унсиз йиғлайман, озурда кўксим.

Қайдан яралган бу муҳаббат офат,

Кўксимга қадалган заҳардир фақат,

Севгингсиз юраклар мудом бетоқат,

Муҳаббат қалбимда тутамас сўзим.

Суйсангу севгидан айтолмасанг сўз,  
Куйсангу, кўрсангу, кўр бўлмаса кўз,  
Бир кунда дилдоринг бурганида юз,  
Сўнади, кўкармас боғдаги гулим.

## Кўнги́л қолди

Ёнимдасан, ётсан бироқ,  
Муҳаббатдан кўнги́л қолди.  
Билмам нега висол йироқ,  
Муҳаббатдан кўнги́л қолди.

Орзуларга ҳамоҳанг армон,  
Кўнги́л таскин топмади ҳамон,  
Севгим билмас қошлари камон,  
Муҳаббатдан кўнги́л қолди.

Осмонимда қора булутлар,  
Юрак бағрим ҳижронинг тиғлар,  
Сенсиз жоним дилим йиғлар,  
Муҳаббатдан кўнги́л қолди.

Оёғингга хазон бўлай кел,  
Майли умри завол бўлай кел,  
Сочларингга хор бўлай кел,  
Муҳаббатдан кўнги́л қолди.

Тўйдим дунё рости ёлғондан,  
Севилмадим куйдим армонда,  
Рози бўлиб кечдим бу жондан,  
Муҳаббатдан кўнги́л қолди.

## Унутмоқ мушкул

Бўғзимга қадалса ҳижрон пичоғи,  
Кечолмасман севгимдан буткул,  
Қалбимда қадалса ғийбат ханжари,  
Сизни унутмоғим барибир мушкул.

Қучоқ очиб интизор кутаман эркам,  
Икки дунё сени деб, ўтаман ҳар дам,  
Ёнимга кел, менга бўл ҳамдам,  
Қошлари камон, сочлари сунбул.

Бўйларингдан ўргилай ўзим,  
Йўлларингга нигорон кўзим,  
Ёлғизлатма, садқа бу жоним,  
Бирга бўлай, ўлгунимча қул.



## Сен ҳамон қалбимдасан

Деразамдан тушган ойнанинг нурлари,  
Юзларини турфа доғлар олибди.  
Мен севган гўзалнинг оҳу кўзлари,  
Беқарор Мажнунни мафтун айлабди.

Гунчаларга ўхшаган пок муҳаббатим,  
Гул бўлиб очилмай хазон бўлдинг-ку,  
Фақат сенсан қалбимда ёлғиз армоним,  
Ёшсиз кўзларимда ҳасрат тўлди-ку.

Мотам бўлди сен мени ташлаб кетган кун,  
Ёруғ дунё зулмат бўлди, сендан айрилиб,  
Майли кетсанг оқ йўл тилайман бутун,  
Илтимос ортингга боқма қайрилиб.

## Музлаган юрак

Музламоқда юрагим тоғлардаги қор мисол,  
Жонсиз таним азобда, келмас бўлди ёр, висол.  
Ҳажрингизда куйганимни билмадингиз азизам,  
Жумбоқларни ечолмайин ошиқману ақлим лол.

Кўр бўлсайдим, майлига кўролмасдим рухсоринг,  
Қулоқларим том битса, эшитмасдим овозинг,  
Сенсиз дунё керакмас, орзу эди дил розинг,  
Муҳаббатинг қозонмадим, қаддим бўлар бўлди дол.

Шеърларимни ўқиб аста, тушунмадинг маликам,  
Сочларингга хор бўлгандим, ишонмадинг сариштам,  
Энди армон менга ёр, сиз бахтлисиз фариштам,  
Ўзгага ёр бўлгунча, майли жоним ола қол.

Қайрилган қош наштарига арзимади юрагим,  
Оҳу кўзлар нигоҳига, бардоши йўқ кўзларим,  
Мен тушундим энди сизга бўлмас мени керагим,  
Мен бўлмасам дунёда, сен бахтли бўла қол.

## Айқаш йўллар

Айқаш экан биз юрган йўллар,  
Бошқа - бошқа экан тақдирлар,  
Боғларингдан тоза гул излаган эдим,  
Сўлгин экан мен узган гуллар.  
Ишонч сўнди, сўнди орзулар,  
Ором бермас уйқусиз тунлар,  
Мунгли кўзларингни эслабон жоним,  
Ўртанмоқда ҳижронда диллар.  
Музлаб бўлди қайноқ юрагим,  
Ҳеч кимсага йўқдир керагим,  
Бахтли бўлгин сўнгги тилагим,  
Ёшланмоқда интизор кўзлар.

## Висол қани?

Сочларимга тушмоқда оқ, висол қани?  
Дилим ўртар оташ бир доғ, висол қани?  
Пешонамга тушди ажин, кел энди ёр,  
Оҳларимга чидолмас тоғ, висол қани?  
Қалдирғочлар қошларингни силаганму,  
Қизғалдоқлар лабингдан ранг тилаганми,  
Сочларингдан райҳон, анбар бўй билганми,  
Хонишимдан чўл бўлди боғ, висол қани?  
Яноқларинг жонга ором, беморингман,  
Дудоғларинг эттандир ром, хуморингман,  
Танда жон бор асирингман, оҳ, зорингни  
Ҳижронингда дил куйди ёр, висол қани?  
Юраккинам пора бўлди, суйганимдан,  
Чора йўқдир, жон узилмас бу танимдан,  
Ёлғиз тилак тилай бугун яраттандан,  
Узилса жон, келарму ёр висол қани?  
Ёнгинангда ўлтирсаму сочинг силаб,  
Худойимдан фақат сенинг бахтинг тилаб,  
Қай кунларга тушмагайман сени сўраб,  
Осгил мени бўйнимга дор, висол қани?

## Соринч

Остонангдан четлаб ўтдим тулпор мисол,  
Онажоним, айрилиқда қадринг билдим.  
Даво истаб дардларимга Мажнун мисол,  
Отажоним, шўр тупроқда қабринг кўрдим.  
    Ўзга юртда тиланчидек, нон изладим,  
    Улаб кунни маҳзун тунда қон йиғладим,  
    Маюс юрак дарбадардир, жон асрадим,  
    Ўғилгинам, тушларимда дардинг сездим.  
Минглаб ичра ёлғизману, йўлдошим йўқ,  
Мен бандаи бетоқатман, бардошим йўқ,  
Найлай дилим ярим, ҳечам сирдошим йўқ,  
Қизалоғим, сенсиз танзим хароб кўрдим.  
    Кўзим кўрди зебу зийнат, дил қайтарди,  
    Йиғолмадим молу давлат, дил қайтарди,  
    Ҳар неники мен хоҳладим, дил айтмади,  
    Ёлғизгинам, сенсиз уни, ярим кўрдим.

## "Ўтган кунлар" ни эслаб

Бошингни бунчалар эгмагил жоним,  
Севишганлар учун эмас, бу дунё!  
Бағрингни қон этиб, йиғлама жоним,  
Севишганлар учун эмас, бу дунё!  
    Отабекнинг севгисин хазон айлади,  
    Кумушни шу йўлда қурбон айлади,  
    Икки порлоқ нурни яксон айлади,  
    Севишганлар учун эмас, бу дунё!  
Разолат, қабоҳат бунда ёнма-ён,  
Ҳақиқат сўзласанг этарлар гумон,  
Севгидан сўз очсанг бўлурсан гирён,  
Севишганлар учун эмас, бу дунё!  
    Қанча хуноб бўлма, кўзга илмаслар,  
    Мол-дунёнг бўлмаса сўзинг олмаслар,  
    Покиза қалбингга қулоқ солмаслар,  
    Севишганлар учун эмас, бу дунё!

## Кўнгила қувончимга

Қоматингдан хижолат боғдаги гуллар,  
Ишқингда зор йиғлар тонгда булбуллар,  
Қоронғу кўнгилга, маъно бахш этдинг,  
Сен томон оҳиста чорлайди йўллар.

Учрадинг бўғзимда келганда жоним,  
Бандаман, шайтондан холимас қоним,  
Қани дардим сўзласам, ёлғизим, жоним,  
Тизанга бош қўйиб, ёшласам кўзлар.

Қувонч кўпми дунёда ва ёки қайғу,  
Ичганим май десам, адашдим, оғу,  
Мени кечир озор чун, кўзлари оҳу,  
Ўзга ва бўлақдир бизни тақдирлар.

Мурғақ қалбингга келмасин озор,  
Суйганинг лочину, сен бўлгин баҳор,  
Бинафша барқ уриб, эриганда қор,  
Билгинки, мени сен томон чорлар.

## Севмоқ бу гуноҳ

Орзуларим сўнмоқда сокин тун аро,  
Ханжар санчилган, озурда юрак,  
Азизам йўл кўрсат, кўз олдим қаро,  
Очилмай қолдику, баҳорда чечак.

Гуноҳим севганим, бурдалар таним,  
Суйганим тан олмас, шодондир ғаним,  
Ёруғ дунё бўлолмас менинг масканим,  
Армон бўлди дилдаги, беғубор тилак.

Ёнида турсамда, узоқдир мендан,  
Тўхтамас кўз ёшим, қон оқар дилдан,  
Кимга дард берган, кимга сабрдан,  
Иккисидан айриман, суйганим малак.

Ёнимга келгину, дилга бўл ором,  
Кечмасман сендан воз, ўлсам дилором,  
Ишқинг ўртар жонимни, менда йўқ ором,  
Майли севгинг учун бу жоним ҳалак.

## Одамлар

Нега ожиз кўнглима, келади озор,  
Одамлар, наҳотки сиз мендан безор?  
Тўрт кунлик дунёда мен сизга меҳмон,  
Менсиз ҳам бу дунё бевафо, бозор.  
    Одамлар, наҳотки сиз мендан безор?  
    Кўнгил қўйганларим, бўлди бевафо,  
    Севиб севилмадим, кўп бўлди жафо,  
    Ва лекин ёлғизсан юракда танҳо,  
Гар дилда бўлсада, юз мингта озор.  
Одамлар, наҳотки сиз мендан безор?  
Бурда нон бўлса бас, тўқсан қил тоқат,  
Дунё деб бошингта орттирма офат,  
    Сабр қил, сабрнинг охири роҳат,  
    Манзилгоҳ бўғайдир, оқибат мазор.  
    Одамлар, наҳотки сиз мендан безор?  
    Этма нокасларга, дил сўзинг раво,  
Ишқ дардидан ошиқ топмағай даво,  
Кутма фоний дунёдан, ҳақиқат вафо,  
Риёзат эт Оллоҳга, тунлари бедор.  
Одамлар, наҳотки сиз мендан безор.

## Ҳижрон

Йиллар, ойлар, кунлар ўтади аста,  
Лекин сўнмағай ишқнинг қуёши,  
Қалбим қалбингга бўлса пайваста,  
Муҳаббат тўкмағай асло кўз ёши.  
    Мендан ўзгага кўнгил берибсан,  
    Гов бўлмасман ойдин йўлингта,  
    Ўзга ёр қалбига ўтлар ёқибсан,  
    Зомин бўлмасман гулдек севгингга.  
Аммо юрагимни ўртайди алам,  
Энди тортмоқдаман ҳижрон дардини,  
Пешонамда бор экан қайғу, ғам,  
Томоша этарман энди барини.

## Соғиниб

Тун бўйи бедор, худодан илтижо қилиб,  
Шудринг ерга талпинар, гулин соғиниб.  
Илоҳий муҳаббатни дилга жо қилиб,  
Тунни кунга улайман, сизни соғиниб.

Умр мисли узун йўл, қайрилмаси кўп,  
Ҳар сўқмоққа учрашув, айрилмаси кўп,  
Муҳаббат дардининг қайғу саси кўп,  
Ўзни дардга тутаман, сизни соғиниб.

Ғийбатлар гирдобин енгурман бир кун,  
Миш-миш қилганлар хор, бўлар ул кун,  
Юзлари ҳам қоп-қора бўлғайдир бутун,  
Машҳар тонгин кутарман, сизни соғиниб.

Саҳролар кезмоқдадир, овора Мажнун,  
Фарҳодлар йиғлайди, ғамдин ушбу кун.  
Сувга оқмоқдадир, Тоҳир бағри хун,  
Унсиз йиғлаб қоламан, сизни соғиниб.

## Ўтади

Не – не довон ошиб қайтди орзулар,  
Ушалмас мангулик сари олди йўл,  
Муҳаббат боғида сўлди не гуллар,  
Ишқ йўлида қанча, ошиқ бўлди қул.

Ёдингдами, илк бор лола сайлида,  
Иккимиз кун бўйи қургандик базм,  
Биздан бахтли инсон, йўқ деб дунёда,  
Созимиз ишқ эди, муҳаббат назм.

Аммо чўзилмади қувонч узоққа,  
Тақдир бизни айирди, мусибат оғир.  
Орзулар айланди, унсиз саробга,  
Ўчради сен эмас, ўзга тошбағир.

Мен-ку розиман, не бўлдим, майли,  
Аммо, сенинг бахтингни айладим орзу,  
Дунё ўтқинчидир, карвонлар ўтар,  
Қолғусидир севги, муҳаббат мангу.

## Юрак арзи

Қани бутлаб бўлса қалбим дарзини,  
Қани қайта қурсам кўнгил қасрини,  
Бевафолар тилагин билмайин ўтдим,  
Ёлғиз Ўзи билар юрак арзини.

Ёнсамда туну кун, келмаса малак,  
Қалбимга қаршидир дўсту ёр, фалак,  
Бу йўлда жоним ҳам охири ҳалак,  
Наҳотки ўтарман, кўрмай васлини.

Майли, бўлсайдимку оёғингга лой,  
Бунчалар ҳам паст кетарму гадой?  
Тоабад излайман қалбингиздан жой,  
Илинжим рад этма, мухаббатимни.

Кетамиз йўлимиз айқаш ва бўлак,  
Тилайман кўнгилда эзгу бир тилак,  
Сенсиз бу дунё менга не керак,  
Ўтсам бу дунёдан шод эт руҳимни.

## Йўлларингда тикаман кўзни

Айрилиқ дардлари бунчалар оғир,  
Яна изларингга бўлдим интизор.  
Сени деб туну кун чекарман оҳлар,  
Кўзларим йўлингга тикдим интизор.

Сенсиз дунёнинг кераги йўқдир,  
Сенсиз лаззатли онларим йўқдир,  
Сенсиз ҳаётим маъноси йўқдир,  
Қалбимни қалбингга этдим интизор.

Мен учун танҳо паризод сенсан,  
Таянчим, ишончим, қувончим сенсан,  
Қалбимни ром этган шаҳризод сенсан,  
Бир умр васлингга бўлдим интизор.

Дийдорингдан мени маҳрум этмагил,  
Ўзгалар бахти деб гирён этмагил,  
Висолинг шавқидин маҳрум этмагил,  
Меҳру ишқим ила бўлдим, интизор.

## Майга сотилган муҳаббат

Севгимни сотдилар қадаҳ май учун,  
Кўнглимни доғлашди тўлин ой учун,  
Айтмади келма деб девона ошиқ,  
Оёғин остига парча лой учун,

Севгимни сотдилар қадаҳ май учун.  
Суймасанг майлига, қалбимни тинч қўй,  
Кўнглинг бўлмаса гар, мени ҳам тинч қўй,  
Шубҳа гумонларим, поёнсиз бир ўй,

Юрагимда дарз, ёлгон гап учун,  
Севгимни сотдилар қадаҳ май учун.  
Юрагим тубида мунгли дардим бор,  
Бу дардни ўзимла олиб кетгум бор,

Қайда бўлсанг, бахтли омон бўлгин ёр,  
Бошингга муҳаббат дард қат-қат учун,  
Севгимни сотдилар қадаҳ май учун.  
Ҳар не қилсанг ҳамки нафратим келмас,

Буғдой эккан кимса, арпани ўрмас,  
Ҳеч ким бу оламдан ўтмайин қолмас,  
Мен кетдим сенга бахт кулсин, ой, учун,  
Севгимни сотдилар қадаҳ май учун.

## Сен учун

Ақлу ҳушим олган жоним сен учун,  
Содиқ қул бўлиб яралган мен ман.  
Меҳрим товламас ўзга ёр учун,  
Қалби гул бўлиб яралган мен ман.

Ишқингни куйлайман, ҳар тонг ҳар наҳор,  
Қалбимдан жой олган муҳаббат баҳор,  
Васлингни куйлашга кўзлари хумор,  
Булбул бўлиб яралган мен ман.

Азизим этмагил мени хору зор,  
Бўлайин сен учун вафоли бир ёр,  
Муҳаббатдин шеър битиб тунлари бедор,  
Шоир бўлиб яралган мен ман.



## Ҳамдард

Булбул дея суйганинг зоғлар бўлдимۇ?  
Муҳаббат деб куйганинг, доғлар бўлдимۇ?  
Покиза қалбимга бериб озорлар,  
Танлаганинг бугун сенга ётлар бўлдимۇ?  
    Ҳар кўрганда энтикиб, соларман назар,  
    Э воҳ қани энди мен суйган кўзлар?  
    Мунгли нигоҳ ўрнида кўрибман доғлар,  
    Ёрим деган кўзларинг, ёшга тўлдимۇ?  
Ёнингда ёринг бор, вале сен ёлғиз,  
Ҳамдарду ҳамнафас дўстинг йўқ ҳаргиз,  
Не бўлса ҳам майли ёримсан, нарғис,  
Умид учқунлари учиб, армон бўлдимۇ?  
    Васлингга етмадим, лек умидворман,  
    Хаста юрак парвона, мен сенга зорман,  
    Дилда не дард бўлса айт мен тайёрман,  
    Баҳор дея солган уйинг вайрон бўлдимۇ?

## Истак

Истадим, озорли тунлардан йироқ бўлмоқни.  
Қумсадим, кўзимда ёш ила сизни кўрмоқни.  
Талпиндим, доларанг лабингиз асири бўлиб,  
Йиғладим, қийнадим кўнгилинг маюс торини.  
    Сўраманг, ўзгармас ҳол мунгли саводдин,  
    Йиғламанг, қийноқда қалб рад жавобидин,  
    Ачинманг, маҳрумман гуноҳ — савобдин,  
    Илиндим, юрагим ёлғоннинг боқий ҳамроҳи.  
Кечиринг, покиза қалбдаги муҳаббат учун,  
Кечиринг, уйқусиз тунлару, риёзат учун,  
Кечиринг, тушда соғинган ҳар соат учун,  
Бош эгдим, орзуим армоннинг ёлғиз асири.  
    Ғолибсиз, беғубор орзулар чиқсин рўёбга,  
    Танҳосиз, мен каби ошиқлар қолди рўёга,  
    Мағрурсиз, раҳм этинг сўнги нафасда,  
    Танладим, кунларимдир руҳлар ҳамроҳи.

## Хайр

Кўнгил бўлди ғамбода,  
Ёр ишқида зор бўлдим.  
Кўзим гирён йўлида,  
Муҳаббат деб хор бўлдим.  
Тутмадим ёр қўлини,  
Севги бўлди афсона,  
Парвоси йўқ Лайлони,  
Мажнун бўлдим девона.

Оллоҳга етмас оҳим,  
Дуо бўлмас ижобат,  
Энди бўзлар юрагим,  
Армон бўлди муҳаббат.  
Хайр энди ёлғизим,  
Ташлаб кетдинг зор айлаб,  
Бўзлар бўлди юрагим,  
Муҳаббатни ёд айлаб.

Ғийбатларга кўмилди,  
Энг беғубор туйғулар,  
Армонларга чўмилди,  
Энг покиза орзулар.  
Хайр энди ёлғизим,  
Ташлаб кетдинг зор айлаб,  
Бўзлар бўлди юрагим,  
Муҳаббатни ёд айлаб.

## Қирқдан сўнг муҳаббат...

Ёшлиқдаги муҳаббат ҳавас бўлади,  
Уммон мисол тўлғаниб, абас бўлади,  
Булбулнинг азоби қафас бўлади,  
Қирқдан сўнг, муҳаббат, ширин бўлади.  
Унутмоқ, сизни ҳам, қийин бўлади.  
Ҳар баҳор келади, шаббода бўлиб,  
Ҳар кузда сўнади, ғамбода бўлиб,  
Гоҳ йиғлар, гоҳ кулар афсона бўлиб,  
Қирқдан сўнг, муҳаббат, ширин бўлади.

Унутмоқ, сизни ҳам, қийин бўлади.  
Юрак ўртанса-ю, қолса гар кўнгил,  
Қалбларга сизмаса сўзим, бир шингил,  
Алдасман, кўнглим беғубор, сингил,  
    Қирқдан сўнг, муҳаббат, ширин бўлади.  
Унутмоқ, сизни ҳам, қийин бўлади.  
Кутилмаган меҳмонга, ўхшайди гоҳо,  
    Қачон келмоғини, билади Оллоҳ,  
Танламас, ирқингни ёшингни гоҳо,  
Қирқдан сўнг, муҳаббат, ширин бўлади.  
Унутмоқ, сизни ҳам, қийин бўлади.  
Бахтлиман покиза муҳаббатим бор,  
    Армонли кўнгилда ўчмас хатим бор,  
    Ҳар ким сўзласада, ўз сўз-гапим бор,  
    Қирқдан сўнг, муҳаббат, ширин бўлади.  
Унутмоқ, сизни ҳам, қийин бўлади.

## Дард

Дардим айтсам қояларга,  
Бош эгдилар сукут сақлаб.  
Ишқим тушди бевафога,  
Ташлаб кетди, вужуд қақшаб.  
    Ҳарсанг тошлар жилмайдилар,  
    Ўйноқи шўх сайрар сойлар,  
    Ҳижрон мени кўзим ёшлар,  
    Яратгандан сабр тилаб.  
Йўлларинга кўз нигорон,  
Бўзлатмагил, юрак бирён,  
Ёлғиз ўзинг дардга дармон,  
Майли болай бағрим тузлаб.  
    Оқ булутлар тингланг оҳим,  
    Тилагимсиз, қолмай дошим,  
    Охир тошга етса бошим,  
    Мен кетарман бахтин тилаб.

## Учрашдик

Хаёт чорраҳасин сўнгги бекати,  
Қалбимни ром этди ибо,иффати.  
Покиза туйгулар,қадр-қиммати,  
Менимас,ўзлигин бир кун офати.

## Сўзлашдик

Меҳр тўла нур ёғар оҳу кўзлардан,  
Маст қилди, бўсалар қизғиш яноқдан,  
Беҳушман бол тутган ўшал дудоқдан,  
Тунлар бедордир руҳим азобдан.

## Аразладик

Арзимас миш-мишлар бўлдимү сабаб,  
Ришталар боғланмай,узилмиш ажаб?  
Билмам қайдан келди, бу қаҳру ғазаб,  
Бардошим етмасдир, чарчаган асаб.

## Ажрашдик

Ҳар кимнинг суйгани ўзига сийлов,  
Суйкалма, қалбингни англамас биров,  
Ёшлиқдан то ҳануз қийнар, бир ўйлов,  
Қурбондир гулгунча, кўрганда қиров.

## Хотима

Сен унга зорсану, мен сенга зорман,  
Қанча давом этаркан ҳижронда доғман,  
Ҳамма булбул бўлди, бир ўзим зоғман,  
Бизни нима кутмоқда бу сирдин лолман.

## Келмадинг

Йўллариингга тикканман кўзим гирён, келмадинг.  
Сабабини билмайин мен лол, ҳайрон, келмадинг.  
Наҳот гуноҳларга қолдим, кўнгил боғлаб оҳишта,  
Гулбоғимда унди тикан, нечун райҳон, келмадинг.  
Оҳим эшитмасдир худо, сенсиз қолмоқ, азоб ва жазо,  
Раҳминг келмас бевафо, айлаб нолон, келмадинг.  
Қиёматга қолдириб, дийдорчун, садқа бир нигоҳ,  
Бу куну мен ҳам, ўтамиз мисли карвон, келмадинг.  
Сабргинам тутаб борар, аста сўнди умид, орзу,  
Умрим бўлса ҳамки пойийннга хазон, келмадинг.  
Осмон мендан жуда йироқ, қаро ер олмас бағрига,  
Учмоққа йўқ қанотим, қолдирмай имкон, келмадинг.

## Туғилган кунингиз муборак

Бугун ёнингизда менга ўрин йўқ,  
Туғилган кунингиз муборак, эркам.  
Армон бўлай майли, киприклари ўқ,  
Туғилган кунингиз муборак, эркам.  
Кўнгил қошонамни этдингиз ошён,  
Озурдаман, хаёлим ҳамон паришон,  
Нега кўнгил боғимни, айладинг хазон,  
Туғилган кунингиз муборак, эркам.  
Қалбимга қор келди, аста аллалаб,  
Рашк ўти бемаҳал, бўлди болалаб,  
Тушимда қумсайман, сени эркалаб,  
Туғилган кунингиз муборак, эркам.  
Юрагим музлагандир, қоялар мисол,  
Насиб этмас энди, билурман, висол,  
Майли, эвазига бу жонни ола қол,  
Туғилган кунингиз муборак, эркам.  
Бахтингни кўрмоқ, менинг ҳам бахтим,  
Муҳаббатим боқийдир, ягона тахтим,  
Сенга етмас, кўкларга етарму оҳим,  
Туғилган кунингиз муборак, эркам.

## Сени унутсам

*Менинг Мажнун ҳолимга боқ,  
Кўзимнинг ёшлари ирмоқ,  
Қийин эмас кўнгил бермоқ,  
Кўнгил узмоқ осон эмас.*

*(Кўшиқдан)*

Кўнгил боғимдаги нафис гулгунча,  
Қанийди бир лаҳза, сени унутсам.  
Умидим васлингдан бор ўлгунимча,  
Қуш бўлиб бақога, аста учолсам.

Ақли ҳушим олдинг, фаришта мисол,  
Лабингдан томчилар асалму ё бол,  
Ҳажрингда ақлим лол, қаддим дол,  
Қанийди бир лаҳза, сени унутсам.

Мен айбсизу, гуноҳкор сенмас,  
Юрак ҳеч соат, менга буйсунмас,  
Сўрагим висолинг, аммо сен эмас,  
Қанийди бир лаҳза, сени унутсам.

## Нидо

Қуролсиз навкарга отилмас камон,  
Ҳамма фариштадир, бир ўзим ёмон.  
Гуноҳим не эрди, билмайин ўтдим,  
Кулмадим, юрагим топмади имкон.

Ҳар дардни Оллоҳнинг неъматин билдим,  
Етган озорларга шукрона қилдим,  
Гина-таъналарга кўксимни тутдим,  
Ағёр кулар устимдан, кулмадим ҳамон.

Кимса бой бўлур, кимсалар қариб,  
Кимлар ёш ўлар, кимлардир қариб,  
Тарки хок бўлармиш, ошиғу ғариб,  
Ўлсам ҳам, таънадин қутулмоқ гумон.

Ўйлама сен эмас, мени ранжитган,  
Лойимни қорғандир, Эгам, Яратган,  
Феълимдир шу менинг азал-азалдан,  
Қалбингда бўлмасин шубҳа ва гумон.

## Сизни кутаман...

Кўксимда қалқиган, гулми ё тикан,  
Недандир тилимда фақат бир ғазал.  
Нечун сизни деб, бағри дилим қон,  
Кўнги қувончимга айланган гўзал.

Яратганга топшириб ўзни,  
Машҳар тонги кутаман сизни.  
Қолмади дилкашим, сўзларим гўё  
Сиз учун туюлар бегона, рўё,

Тилларим лол, кўз ёшим дарё,  
Кўнги қувончимга айланган гўзал.  
Яратганга топшириб ўзни,  
Машҳар тонги кутаман сизни.

Меҳробга бош уриб йиғласам арзир,  
Дилим доғ этиб, оҳ урсам арзир,  
Мен каби ошиқни ер ютса арзир,  
Кўнги қувончимга айланган гўзал.

Яратганга топшириб ўзни,  
Машҳар тонги кутаман сизни.

Озурда юракда ҳасрат кўп бўлар,  
Маъшуқа наздида гийбат кўп бўлар,

Муҳаббат ўрнида, нафрат кўп бўлар,  
Кўнги қувончимга айланган гўзал.  
Яратганга топшириб ўзни,  
Машҳар тонги кутаман сизни.

## Алдама

Қалбим бўшлигин сезибсан жоним,  
Сизга юкундим, деб мени алдама,  
Ёлгонлардан ўртанган митти юрагим,  
Сизга тушундим, деб мени алдама.

Сенсиз қайтмагай, менинг баҳорим,  
Булбул навосидан маҳрум наҳорим,  
Наҳот севганимдир менинг гуноҳим,  
Тақдиринг шул дея мени алдама.

## Нега?

Қалбимни ўртайди, мунгли бир савол,  
Нега сени қумсайди, ғамбода кунгил?  
Дилдаги дардларим умримга завол,  
Наҳот гуноҳкорман, сочлари сунбул?

Баҳор келмоқда деб, овутдинг қалбим,  
Кутмагандим хазонни, тутади сабрим,  
Энди дарбадардир, тушларим, руҳим,  
Нечун қилган дуолар, бўлмади қабул?

Бу ўткинчи ҳавас дер, дилида дард йўқ,  
Айласам тарифинг, сенга тараф йўқ,  
Девона ошиғингман, ўзга сифат йўқ,  
Билдимки, бўлмағай, тикансиз бир гул.

## Сени севаман

Қанотим бўлса-ю, ёнингга учсам,  
Кўзларим ёшлаб, бағримда қучсам,  
Майлига ўша кун, беармон ўлсам,  
Мен сени севаман, сени севаман.

Дунёга сиғмади, митти юрагим,  
Гоҳида ижобат бўлмас тилагим,  
Сезаман йўқдир, сенга керагим,  
Мен сени севаман, сени севаман.

Нечун бу олам бир кам яралган,  
Муҳаббатдин андуҳ, ғам яралган,  
Одам этидан-ку Ҳавво яралган,  
Мен сени севаман, сени севаман.

Кўникдим дунёнинг ташвиш ғамига,  
Тайёрман минг бора, қайта аламга,  
Ишқингдин арзим бор, ул кун ҳакамга,  
Мен сени севаман, сени севаман.

Қайғулар дарёси бўлди муҳаббат,  
Орзулар фарёди бўлди муҳаббат,  
Ошиқлар оҳ-доди бўлди муҳаббат,  
Мен сени севаман, сени севаман.



## Юракда қолган сўзлар...

Айтмадим дил сўзларим, билмаганинг маъқулроқ,  
Ҳижронларда куйгунча, табассуминг маъқулроқ,  
Муҳаббат деб ой чиқмас, даҳрийлар оламида,  
Ишқ ўтида сен эмас, мен куйганим маъқулроқ.

Баҳор кутдим ҳар йили, билмайин куз борлигин,  
Шеърлар ёздим тун бўйи, билмайин сўз бойлигин,  
Қайноқ юрак қийналар, билмайин муз борлигин,  
Муҳаббат деб дунёдан, мен кетганим маъқулроқ.

Тонгим ўтди навосиз, наво излаб дил бўзлар,  
Нигоҳларим сен томон, жавоб излаб дил бўзлар,  
Айб қидирма сўзимдан, сени истаб дил бўзлар,  
Агар севги дард бўлса, мен суйганим маъқулроқ.

Мозор бўлса муҳаббат, қолдирма ёр узлатда,  
Бозор бўлса муҳаббат, қолдирма ёр ғафлатда,  
Озор бўлса муҳаббат, қолдирма ёр ҳасратда,  
Армонингда қолмоқдан, мен ўлганим маъқулроқ.

## Хайр энди

Юзларингга тикилгунча, армон бўлдим,  
Армон эмас, ранги сариқ сомон бўлдим.  
Чинқирайди маъюс юрак висолга зор,  
Сенсиз бир зум туролмайин равон бўлдим.

Қачонгача хазон енгар баҳоримни,  
Қачонлардир тинглар гўзал оҳларимни.  
Йўлларингга тикиб гирён нигоҳимни,  
Айрилиқни шиор айлаб, ҳайрон бўлдим.

Муҳаббатим ҳис этмади, бағритошим,  
Дарё мисол оқмоқдадир кўздан ёшим,  
Юрак мажруҳ, дард зиёда, йўқ бардошим,  
Соғинчлардан кузак кўрмай, хазон бўлдим.

Висолингдир тилаганим, Парвардигор,  
Кўп қийнама, ахир жоним сенга нисор,  
Иймонимни ҳамроҳ айла, етса озор,  
Ўздан кечиб яна тарки иймон бўлдим.

## Шом...

2007 йил 18 январдаги автоҳалокат хотиралари

Шифохона ойнасидан, маъюс боқаман,  
Тепамда шифокор Анваржон ҳамдард.  
Оҳиста дардларим дoston айлайман,  
Унинг дил сўзлар, руҳимга мадад.

Шифохона ойнасидан, маъюс боқаман,  
Ҳозир қизим келар, дадасин қумсаб.  
Лекин у келмаслигин, ўзим биламан,  
Олис юрт тоғларин, қолгандир эслаб.

Шифохона ойнасидан, маъюс боқаман,  
Ўғлимни ёд этаман, дийдорин истаб.  
Оҳларимни мизғиб, ичга тортаман,  
Дардимни сезмасин, онасин қистаб.

Шифохона ойнасидан, маъюс боқаман,  
Тирикликка шукримни, дилда айтаман.  
Карвон мисол кўзимда, кечаги дўстлар,  
Бугун ёлғизлигим учун, урэн этаман.

Шифохона ойнасидан, маъюс боқаман,  
Кутилган қўнғироқ, сас берар аста.  
Қувонч-ла гўшакка, қулоқ тутаман,  
Ҳазабдан бу кўнгил, вайрона қайта.

Шифохона ойнасидан, маъюс боқаман,  
Тилайман Оллоҳдан, барчага шифо.  
Тан жароҳати-ку, битар биламан,  
Ҳамбода кўнглимга топилмас даво.

Шифохона ойнасидан, маъюс боқаман,  
Кимлардир кўчада, амал талашар,  
Мажруҳ кўнгил қасрига, назар соламан,  
Кимдир унга маломат тошларин қалар.

Шифохона ойнасидан, маъюс боқаман,  
Кечаги улфатларим бугун бегона,  
Ўксимай чидайман, оҳлар ураман,  
Ҳажримда йиғлаган ёлғиз у, Она.

Шифохона ойнасидан, маъюс боқаман,  
Абдураим укамга, йиғлайман боқиб.

Олоҳга минг бора шукрона дейман,  
Олис-олислардан қўнғироқ кутиб.  
Шифохона ойнасидан, маъюс боқаман,  
Кимдир келармикан ҳолимни сўраб.  
Ёлғизликда ўзимга, савол бераман,  
Қани у қадрдон дўстларим, жўрам.  
Шифохона ойнасидан маъюс боқаман,  
Дўсту душманимнинг фарқини билмай.  
Қизим деб юракка қийноқ бераман,  
Асли бегонаман, дада бўлолмай.  
Шифохона ойнасидан, маъюс боқаман,  
Об-ҳаво ўзгарар, мисли шом наҳор.  
Қаҳратон ортда, қолгандир ростдан,  
Қайта юрак тубида, гуллагай баҳор.

## Шукрона

Нопок йўлга кирган, оёғим мажруҳ,  
Оёғимга берган, зарбингга шукр.  
Сирот кўпригида бўлсин саломат,  
Берган илтифотли, амрингга шукр.  
Қўлларим қилмадими, итоат сенга,  
Синган суякларнинг дардига шукр.  
Гуноҳдан фориғму, дард борму яна?  
Майли сени қилган қаҳрингга шукр.  
Гоҳо яқин эдим, гоҳи ёт эдим,  
Гоҳо нокасларни улфатим дедим,  
Бошимда паришон, доим хаёлим,  
Бошдаги бедаво дардингга шукр.  
Адашдим бу йўлда, бир эмас юз бор,  
Биламан машҳарда оғир жазо бор,  
Менга бер дардни, ҳали умид бор,  
Умидим сўндирма, ҳар кунга шукр.  
Ким деди фалокат, ким деди кўрим,  
Кимса тақдиридан, кўрибдир кўрим,  
Мен яхши ёмонни марҳамат билдим,  
Берган озорингга, жабрингга шукр.

## Эгизаклар

Одам Атонингда, қонидан қоним,  
Момо Ҳаво онамдан, яралган жоним,  
Эгизакли дунёда, келдим эгизак,  
Лек сифмай кўкларга, етмади оҳим.

Кун яралганда, тун ҳам мўралар,  
Қуёш чарақласа, ой қилди ҳасад,  
Тоғ устида эримас, музли қоялар,  
Саратон қилмас кор, ўзгармас асад.

Қай бир бешик узра, айтилса алла,  
Бир тобут устида, айтилар салот.  
Чимилдиқ узра куйланса ялла,  
Бир ёш умр хазон, бўлади ҳайҳот.

Ўн эшак устига қўйсанг гар эгар,  
Бир от бўлолмаслиги мозийдан аён,  
Қурбақа булбулга ҳасадлар қилар,  
Унинг навосидин бу диллар хуфтон.

Фано деди исмини, билинглар дея,  
Бақо сари йўл олмоқ, айланди фарзга.  
Орзу, ҳавас, мол дунё, иморат дея,  
Эзгулик, диннат, қолмишдир қарзга.

Ота насмҳати бўлар, ўтмиш сарқити,  
Она йиғлаб қолди, кўзда ёш билан,  
Ўғил бетга чопар, макрлар ичра,  
Қизлар ибo йўқотди, йўлдоши билан.

Булбул сакрар шоҳларга, овози титроқ,  
Қарға наволари татир минг йилга,  
Муҳаббат дардидир жонларга қийноқ,  
Пичоқ сифмай қолар, баъзан қинига.

Юрак санчса, дарди буйракка берар,  
Буйрак фиғонидан, хастадир жигар,  
Суйганинг жонингга берсада озор,  
Жигар жигар бўлади, ўзгаси дигар.

Кимса ғамдан бошин кўтара олмас,  
Кимса бор ўтади, шодон ва хуррам.  
Кимнинг сиркаси бир сўз кўтармас,  
Кимса бор гап уқмас, ўтар мутаҳҳам.

Кимлар, эзгуликка жон этса фидо,  
Кимсанинг, шафқатта йўқдир тоқати.  
Кимса дардинг тинглаб, бўлади оро,  
Кимса озор улашса, ошар роҳати.

Кимдир эгнингдаги, тўнингга қараб,  
Саломин беради омонат, беор,  
Кимса бор, амал курсингга қараб,  
Хушомад қилади, қушдек беозор.

Кимса масжид қурар, Оллоҳ йўлида,  
Кимса кўнгила қасрин, этади вайрон.  
Кимлар сарсон бўлар, жунун чўлида,  
Кимлар ёр ишқида, ҳам лолу ҳайрон.

Тинмай қидирдим, саволга жавоб,  
Билдим абасдир, ундан бошқаси.  
Ширим бўлибдир, ҳар ишда савоб,  
Тан олмади мени, ундан бошқаси.

## Гўзал

Қалдирғочлар қанотин ёзаверсинлар,  
Аммо сенинг қошларинг, унданда гўзал.  
Оҳулар кўзларин кўз кўз қилсинлар,  
Аммо сени кўзларинг, унданда гўзал.

Тунда ой шуъласин таратаверсин,  
Аммо сенинг жамолинг, унданда гўзал.  
Шаршара шариллаб ором бахш этсин,  
Аммо сенинг сочларинг, унданда гўзал.

Кўкламда атиргул атрин таратсин,  
Аммо сенинг анбаринг, унданда гўзал.  
Муганний муҳаббат созини чалсин,  
Аммо сенинг суҳбатинг, унданда гўзал.

Обу-ҳаёт бўлмаса хор улар жонзот,  
Аммо сенинг каломинг унданда гўзал.  
Тонгда булбул навоси гўзалму ҳайҳот,  
Аммо сенинг саломинг, унданда гўзал.

Табиат гўзалдир, борлиқдир боқий,  
Аммо сенинг озориңг унданда гўзал,  
Бошимга ёғилсин минг бало, осий,  
Аммо сенинг борлигинг, унданда гўзал.

## Ишқ эртаги

Тақдирму учратиб, айирган бизни,  
Ағёрданму юракни тирналган изи.  
Маломат тошларин отиб иккимиз,  
Бериб сўнг далда, алдаймиз ўзни.

"Сув ила кўкарди чўлда бир ниҳол,  
Парвариш айлади у бўлди дарахт.  
Мевасин кутмадик бироз не сабаб,  
Илдизлар чопилди у бўлди карахт.

Чопилган шаббалар ўтга отилиб,  
Гулханга айланди ва яна сўнди.  
Сўнган олов кули аста сочилиб,  
Ҳасратин оламга беармон ёйди."

Сен сув қуйган чўлдаги ниҳол,  
Гар билсанг, мени юрагим эди.  
Қад ростлаган ўша зўр дарахт,  
Висолга талпинган тилагим эди.

Оловга қоврулган ўша шоҳлар,  
Покиза ишқимнинг садоси эди,  
Ҳар томонга сочилган куллар,  
Муҳаббат аҳдининг ноласи эди.

Дунё ишлари мисли шу ниҳол,  
Кўкариб кул бўлар, табиат эмас.  
Фақат сўзларим, яхши уқиб ол,  
Кул мен бўлдим, муҳаббат эмас.

## Яхши қол

Дил сўзларим билмадинг, майли ёрим яхши қол.  
Кўз ёшларим илмадинг, майли ёрим яхши қол.  
Юрак қумсар ҳар замон, бахтимга бўлгин омон,  
Соғинаман кўп ёмон, майли ёрим яхши қол.  
Ошиқлардан зиёдаман, ортингдан пиёдаман,  
Сен у ёну мен бундаман, майли ёрим яхши қол.  
Ишқ ўтига жон фидо, не бўлар билар Оллоҳ,  
Ҳажрингдаман мубтало, майли ёрим яхши қол.  
Ўтар бўлсам дунёдан, айро тушиб бу жондан,  
Унутмайман хоҳдасам, майли ёрим яхши қол.  
Сарнигундир гирёна, ўзни урар ҳарёна,  
Дунёда сен ягона, майли ёрим яхши қол.

## Тинч қўй азизам

Танамни дардларим садпора қилсин,  
Кўнгил кошонамга, келгин азизам.  
Бурда бурда бўлсин, орзу-ю армон,  
Кўнгил кошонамга, келгин азизам.

Рашк сўзлар нега деб, гумон дилимда,  
Туну кун йўқ тинчим, номинг тилимда,  
Мунгли садо йиғлайди юрак тубида,  
Кўнгил кошонамга, келгин азизам.

Пешонада биттанин кўрармиз асли,  
Ҳаёт сўқмоқларида қоқилиб гарчи,  
Кўз ёшлар ўрнига куларман балки,  
Кўнгил кошонамга, келгин азизам.

Ғанимни енгдиму, ўзимни эмас,  
Икки дунё сен дедим, ўзга керакмас,  
Дунёда севмаган юрак юракмас,  
Кўнгил кошонамга, келгин азизам.

## МУҲДАРИЖА

Дил изҳори .....	3	Музлаган юрак .....	25
«...га» .....	4	Айқаш йўллар .....	26
Нотаниш қизга .....	4	Висол қани .....	26
Илҳом парисига .....	5	Соғинч .....	27
Сени деб .....	5	“Ўтган кунлар”ни эслаб .....	27
Дилбар .....	6	Кўнгил қувончимга .....	28
Изтироб .....	6	Севмоқ бу гуноҳ .....	28
Сенга .....	7	Одамлар .....	29
Соғинч .....	7	Ҳижрон .....	29
Дилдан суҳбат .....	8	Соғиниб .....	30
Армоним .....	8	Ўтади .....	30
Муҳаббат .....	9	Юрак арзи .....	31
Ўқилмаган мактуб .....	10	Йўлларингда тикаман кўзни ..	31
Муҳаббат кўчасининг		Майга сотилган муҳаббат .....	32
беговасига .....	10	Сен учун .....	32
Орзу .....	11	Ҳамдара .....	33
Истак .....	11	Истак .....	33
Муҳаббатга ишонманглар .....	12	Хайр .....	34
Висол оқшомингда .....	12	Қирқдан сўнг муҳаббат .....	34
Сенга бўлмай кимга .....	13	Дара .....	35
Муҳаббатга зор кўнгил .....	14	Учрашдик .....	36
Тунги учрашув .....	14	Сўзлашдик .....	36
Ўкинчим бор .....	15	Аразлашдик .....	36
Тақдир .....	15	Ажрашдик .....	36
Ҳазон .....	16	Хотима .....	36
Бўлак тақдирлар .....	16	Келмадинг .....	37
Айриляқ ҳассаси .....	17	Туғилган кунингиз муборак ...	37
Дийдор .....	18	Сени унутсам .....	38
Қалб .....	18	Нидо .....	38
Ҳижрон .....	19	Сизни кутаман .....	39
Жаллод парига .....	19	Алдама .....	39
Унутмоқ осон эмас .....	20	Нега .....	40
Сўнги кўнгирик .....	20	Сени севаман .....	40
Адашган кўнгил .....	21	Юракда қолган сўзлар .....	41
Қор устига қор келди .....	21	Хайр энди .....	41
Нима учун? .....	22	Шом .....	42
Кетма .....	22	Шукрона .....	43
Ўткинчи дунё .....	23	Эгизаклар .....	44
Сўнган умидлар .....	23	Гўзал .....	45
Кўнгил қолди .....	24	Ишқ эртаги .....	46
Унутмоқ мушкул .....	24	Яхши қол .....	46
Сен ҳамон қалбимдасан .....	25	Тинч қўй азизам .....	47